Парафин билан ишлов берилгандан кейин меъда ости беzi тўқималари 7-10 мкм қалинлигида кесилди ва гематоксилин-эозин эритмаси билан бўялди. Препарат рақамли микроскоп (DN-300M) ёрдамида компьютерда сурагга олинди.

Меъда ости беzi ферментлардан α -амилаза (КФ 3.2.1.1) [3] триглицеридлипаза (КФ3.1.1.3) фаолликлари аниқланди. Триглицеридлипазанинг фаоллиги махсус реактивлар йиғмаси ёрдамида аниқланди (Human, Германия).

Олинган натижалар Стьюдент t-тест усули бўйича таҳлил қилинди.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси

Масса кўрсаткичлари. Функционал ҳолатининг интегратив кўрсаткичи бўлган каламушларда экспериментал диабет келтирилгандан кейин тана ва ҳазм органлар массасига таъсири аниқланди.


1-жадвал

Экспериментал диабетда ҳайвонлар тана ва ҳазм органлар массасининг ўзгариши ($M \pm m$; $n=6$)


Ҳайвон гуруҳлари	Тана	Ингичка ичак	Меъда ости бези	Жигар
Назорат %	$315,0 \pm 11,7$ 100	$12,2 \pm 0,5$ 100,0	$0,66 \pm 0,01$ 100,0	$7,6 \pm 0,1$ 100,0
Аллоксан диабет Р %	$249,0 \pm 12,5$ <0,002 79,0	$8,1 \pm 0,1$ <0,001 66,4	$0,60 \pm 0,01$ <0,002 85,7	$6,4 \pm 0,01$ <0,001 84,2

Жадвалдан кўриниб турибдики, аллоксанли диабетда каламушлар тана массаси 21,0 % га ингичка ичак, меъда ости бези ва жигар массалари эса мувофиқ равишда 33,6 % га, 14,3 % га ва 15,8 % га камайди. Яъни тана ва барча ҳазм органлар массасининг экспериментал диабетда жиддий камайиши кузатилади.

Гистологик структураси. Микроскопик текширувлар натижалари шуни кўрсатдики, назорат гуруҳидаги каламушлар меъда ости бези экзокрин қисми без ацинуслари деярлик бир хил катталиқда, шакли асосан думалоқ, без эпителийлари бир қаторда жойлашган, ядрози базал қисмида, цитоплазмаси кенг ва эозинофил бўялган, ацинуслар бўшлиғи эозинофил бўялган оксилли модда билан тўлган. Эндокрин оролчалари нисбатан катта жойни эгаллаган, думалоқ шаклда, таркибида ҳужайралари кўп (1-расм), марказида β -ҳужайралар, четки қисмларида эса α -ҳужайралари ва бошқа ҳужайралар жой олган. Бу ҳужайраларнинг цитоплазмаси деярлик бир хил эозинофил бўялган, ядролари думалоқ ва гематоксилинли. Безнинг оралик тўқимаси кам ривожланган ва нозик бириктирувчи тўқимадан иборат. Қон томирлари тўлақонли, деворидаги эндотелий, силлиқ мушак ҳужайралари ва адвентициядаги бириктирувчи тўқима ҳужайралари меъёрий тузилишини сақлаб қолган.



1-расм. Назорат гуруҳидаги каламушларда меъда ости беzi экзокрин ва эндокрин қисмларининг структураси. Бўёқ: Г-Э. X: 10x40.



2-расм. Экспериментал диабет гуруҳидаги каламушларда меъда ости беzi экзокрин ва эндокрин қисмларининг структураси. Бўёқ: Г-Э. X: 10x40.

Аллоксан юборилгандан кейин 10-кун ўтганда каламушлар меъда ости безининг ацинус хужайраларида интерстициал яллиғланиш инфильтрати нисбатан кўпаяди, айниқса қон томирлар атрофида бириктирувчи тўқиманинг ўсиши кузатилади. Бунда қон томирлар девори яллиғланиш инфильтрати ва склероз ҳисобига қалинлашган, атрофида оралик тўқимада ҳам шиш ва яллиғланиш инфильтрати сақланиб қолган. Без эндокрин

оролчалари олдинги даврга караганда анча ўлчамлари кичик, таркибида хужайралар сони кескин камайган ва асосан бир хил турдаги хужайралардан ташкил топган (2-расм). Экзокрин без ацинусларида тарқоқ ҳолдаги паренхиматоз оксилли дистрофия ривожланган, айрим ацинусларда эпителийсининг некробиози ҳам кузатилади.

Ҳазм ферментлари фаоллиги. Экспериментал диабетда углеводлар бошланғич гидролизида иштирок этувчи α -амилаза ва ёғларни ди- ва моноглицеридларгача парчаловчи триглицеридлипазаларнинг фаоллиги ҳам аниқланди (2-жадвал). 2-жадвалдан кўриниб турибдики, экспериментал диабетда α -амилазанинг фаоллиги 22,9% га камайди, триглицеридлипазанинг фаоллиги эса камайиш тенденциясини намоён этса ҳам, бу камайиш статистик жиҳатдан муқаррар даражада қайд этилмади.

Демак, қандли диабетда турли гидролитик ферментларнинг фаоллиги бир хил даражада ўзгармайди, углеводлари гидролизланиши камайса, липидлар гидролизланиши назорат даражасида сақланиб қолади.

2-жадвал

Экспериментал диабетда ҳайвонлар меъда ости безидаги гидролитик ферментлар фаоллиги ($M \pm m$; $n=6$)

Шундай қилиб, тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатмоқдаки,

Гуруҳлар	α -Амилаза	Триглицеридлипаза
Назорат %	$3,5 \pm 0,01$ 100,0	$23,7 \pm 1,8$ 100,0
Аллоксан диабет Р %	$2,7 \pm 0,01$ <0,001 77,1	$22,1 \pm 1,3$ >0,5 93,2

экспериментал қандли диабетда каламушлар тана ва ҳазм органлар массаси камайиб, меъда ости безида жиддий структуравий ва функционал ўзгаришлар рўй беради. Олинган натижалар қандли диабетда меъда ости бези эндокрин аппарати билан бир қаторда экзокрин функцияси ҳам издан чиқишини кўрсатмоқда. Натижаларимиз қандли диабет билан оғрийдиган касалларда турли стимулларга (озик овқати ва унинг гидролиз маҳсулотлари, холицистокинин панкреазимин) дуоденумга меъда ости бези ферментлар ажралишининг камайиши исботлайди. Адабиётларда биринчи типдаги қандли диабетга дучор бўлган касалларда 77 % да экзокрин функцияси ҳам издан чиққанлигини кўрсатади [4]. Меъда ости бези тўқимасининг атрофияси инсулин гормонининг трофик таъсири билан боғлиқ бўлиш мумкин. Меъда ости бези тўқимасининг фибрози ангиопатия ва невропатиянинг оқибати ҳам бўлиши мумкин. Бевосита инсулин билан боғлиқ бўлган ўзгаришлардан ташқари пара-амино-папур кислотасининг сийдикда ажралиши ёки нажаснинг лаборатория таҳлили (ёғларнинг экскрецияси, химотрипсин ва

эластаза концентрацияларининг камайиши қанд диабетда экзокрин функциясининг бузилишидан далолат беради. [5,6]

Шундай қилиб, экспериментал ўткир диабетда меъда ости бези массасининг камайиши, экзокрин ва эндокрин аппаратлар гистоструктурасининг бузилиши ва панкреатик ферментлар, масалан α -амилаза фаоллигининг камайиши кузатилади. Булар барчаси қанди диабетда панкреатит белгиларнинг ривожланишидан далолат беради ва қандли диабетни даволашда мазкур ўзгаришларни инобатга олиб комплекс ёндашувини талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Штемберг Л.В., Францева А.П. Состояние проблемы патогенеза, этиологии и диагностических критериев сахарного диабета 1 типа. // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2014. – № 9 (часть 1) – С. 98-102.
2. Sarwar N., Gao P., Seshasai S.R., Gobin R., Kaptoge S., Di Angelantonio et al. Diabetes mellitus, fasting blood glucose concentration, and risk of vascular disease: a collaborative meta-analysis of 102 prospective studies. // Lancet. -2010. – V. 26. - P. 2215-2222.
3. Угелов А.М. Определение амилазной активности // Исследование пищеварительного аппарата у человека –Л.: Наука, -1969. - С 187-192.
4. Chey W.Y., Shaw H., Shuman C.R., External pancreatic secretion in diabetes mellitus.// Ann Intern Med. -1963.- V.59. -P. 812–821.
5. el-Newihi H., Dooley C.P., Saad C., Staples J. Impaired exocrine pancreatic function in diabetics with diarrhea and peripheral neuropathy. // Dig. Dis. Sci. -1988.-V.33. - P.705–710.
6. Hardit P.D., Krauss A., Bretz L. Pancreatic exocrine function in patients with type 1 and type 2 diabetes mellitus. //Acta Diabetologica. – 2000. - V.37. - P.105–110.

РЕЗЮМЕ

В опытах на белых крысах было показано, что экспериментальный аллоксановый диабет приводит к уменьшению массы тела и пищеварительных органов крыс. При этом резко нарушается гистоструктура не только эндокринной, но и экзокринной части поджелудочной железы, а также заметно уменьшается активность α -амилазы поджелудочной железы на фоне постоянной активности липазы.

SUMMARY

In experiments on white rats it was shown that experimental alloxan diabetes leads to a decrease in body weight and digestive organs of rats. At the same time, the histostucture is disturbed not only in the endocrine, but also in the exocrine part of the pancreas. The activity of α -amylase of the pancreas also decreases markedly on the base the background of constant lipase activity.

**МАХАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР - ФЛАВАНОИДЛАРДАН ОЛИНГАН
ГИДРОФ ОБ АСОСЛИ ЯНГИ СУРТМА ДОРИ ВОСИТАСИНИНГ
ТЕРИ АЛЛЕРГИЯСИНИ ДАВОЛАШДАГИ САМАРАДОРЛИГИНИ
БАҲОЛАШ.**

**СУЯРОВ А.А., ХАТАМОВ Х.М., МУХТОРОВ Ш.М., ХАЛИЛОВ Р.М.,
ХАЖИБОЕВ Т.А., КАМИЛОВ Х.М., ФОЗИЛЖОНОВА М.Ш.,
АЛИМЖАНОВА Л.И.**

ЎЗР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институти, ЎЗР ФА Ўсимликлар
моддалари кимёси институти, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий
текшириш институти

Калит сўзлар: флаваноидлар йиғиндиси, гидрофоб асосли, контактли
аллергик дерматит, суртма, 2,4-динитрохлорбензол.

Мавзунинг долзарблиги. Цивилизациянинг шиддат билан ўсиши, атроф
муҳитнинг экологик ифлосланишига олиб келмоқда. Ҳозирги кунда ер шари
аҳолисининг ўртача 10%и аллергия касалликлар билан оғрийди. Ушбу
кўрсаткич қатор мамлакатларда турлича бўлиб, 1% дан 50% гачани ташкил
этади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда
аллергия касалликларнинг ичида атопик дерматит билан оғриган беморлар
сони 20% ни ташкил қилиб, яқин йилларда ушбу кўрсаткични 40% гача
кўтарилиши башорат қилинмоқда [1,2].

Кейинги йилларда дунё олимларининг касалликларни даволашда
доривор ўсимликларга бўлган қизиқиши ортиб бормоқда [3,5]. Аллергияни
даволашда қўлланиладиган дориларнинг асосий қисми синтетик усулда
олинган бўлиб, республикамизга хориждан валюта ҳисобига олиб келинади.
Республикамизда эса табиий доривор ўсимликлар манбаси етарли
ҳисоблади.

Ҳозирги кунда ўсимлик флаваноидларидан тайёрланган дори
препаратлари тиббиётда кенг қўлланилиб келинмоқда. Ўсимликлар
таркибида флаваноидлар ўртача 0,5-5%, баъзан 20% гача учрайди.
Флаваноидларнинг яққол аллергияга қарши, ўсмага қарши, яллиғланишга
қарши, капилярларни мустаҳкамловчи, гепатопротектор, ўт ҳайдовчи, сийдик
ҳайдовчи ва бошқа таъсирлари аниқланган [4,6,7,9,10,11,12].

Маълумки, тери касалликларини даволашда суртма шаклидаги дори
воситалари кенг қўлланилиб келинади. Суртма дори воситалари аллергияга
қарши маҳаллий, тўғридан-тўғри ва самарали таъсир қилиши натижасида,
аллергик жараёни тезроқ бартараф қилиши туфайли, фойдаланишга жуда
қулай ҳисобланади [8]. Республикамизга суртма шаклидаги дори воситалари
ва уларни тайёрлашда қўлланиладиган қўшимча моддаларининг асоси ҳам
100% гача хориждан олиб келинади. Агарда суртма шаклидаги дори

воситалари ва уларни тайёрлашда қўлланиладиган қўшимча (ёрдамчи) моддалари маҳаллий хомашёлар асосида яратилса, мавжуд муаммолар бартараф этилади.

Тадқиқот мақсади. Маҳаллий хомашёлар – флавоноидлар йиғиндисидан олинган гидрофоб асосли янги суртма дори воситасининг контактли аллергия дерматитга таъсирини тажрибада ўрганиш.

Материал ва усуллар. Маҳаллий шароитда ўсадиган уч бўлакли қорақиз ўтидан флавоноидлар йиғиндисини ажратиб олиш учун 70% ли спиртда 5 марта тиндириб, юқори даражадаги физиологик фаол моддалари ажратиб олинди. Майдаланган қорақиз ўти, гидромодул жараёнининг биринчи контактли босқичида 1:5 ва кейинги 4 тасида 1:2 нисбатда олиниб, хона ҳароратида тиндирилади. Концентратнинг липидсимон кераксиз моддалари бензин билан 3 марта ишлов бериб олиб ташланди. Тозаланган флавоноидлар йиғиндисининг сувли эритмасига бутанол эритмаси билан 4 марта ишлов берилди. Сўнг ўзида бутанол сақлаган экстракт бутанолдан тўлиқ олингунча концентрация қилинди. Экстракт таркибида флавоноидлар йиғиндиси хомашёга нисбатан 1,5%ни ташкил қилди.

Маҳаллий хомашёлардан гидрофоб хоссали ўсимлик мойи ва ҳайвон ёғидан ташкил топган суртма асоси ишлаб чиқилди. Маҳаллий хомашёлардан олинган флавоноидлар йиғиндиси асосида ўсимлик мойи ва ҳайвон ёғи иштирокида биотехнологик усулда олинган гидрофоб асосли янги суртма шаклидаги дори воситасининг 1% миқдорда олиш технологияси ишлаб чиқилди ва керакли миқдорда суртма тайёрланди.

Тадқиқотни ўтказиш учун ҳар бири 6 донадан бўлган 2 гуруҳ, жами 12 донга денгиз чўчкачалари олинди. П.М. Залкан ва Е.А. Иевлева (1963) усулида барча гуруҳдаги денгиз чўчкачалари елка соҳасида, тахминан 3х3 см юнги тозаланган майдон терисига 2,4-динитрохлорбензолнинг (ДНХБ) 5% ли спирт-ацетонли (2:1) эритмаси 0,1 мл миқдорида кунига бир мартадан 2 кун давомида томизилиб контактли аллергия дерматит (КАД) чақирилди. 3 чи кундан бошлаб ҳайвонларнинг аллергия дерматит чақирилган тери соҳасига суртма дори воситасини суртиш бошланди. Бунда 1- гуруҳдаги ҳайвонлар назорат гуруҳи сифатида олиниб, ушбу ҳайвонларга суртма суртилмади. 2- гуруҳдаги ҳайвонларнинг контактли аллергия дерматит чақирилган тери соҳасига 1%ли флавоноидлар йиғиндисидан олинган янги гидрофоб асосли суртма дори воситаси суртиб борилди. Суртма дори воситасини тажриба гуруҳидаги ҳайвонларга кунига 1 маҳалдан 11 кун давомида суртилди. Аллергенни (ДНХБ) охириги томизилган кунидан сўнг тери қопламанинг ўзгариши даволашнинг 1,3,5,7,9 ва 11-кунлари кузатиб борилди. Дерматит ривожланишининг оғирлик даражасини баҳолашда ҳайвонларнинг умумий ҳолати ва теридаги аллергия жараёнининг кечиши кузатиб борилди. Бунда визуал, теридаги аллергия яллиғланиш ва тери бурмаларининг ўлчамларини ўлчаш орқали олиб борилди. Дерматит чақирилган соҳадаги ҳарорат

электрон термометрда, тери бурмалари ўлчамлари эса микрометр ёрдамида ўлчанди. Теридаги аллергияк жараён қуйидагитча баҳоланди: аллергияк жараёнининг кечиш оғирлиги (яллиғланиш реакциясининг ривожланиши, даволанаётган ҳайвонлар терисидаги яллиғланиш реакциясининг генерализацияси ва кўрсаткичларни назорат гуруҳидаги ҳайвонлар билан солиштирилди), яллиғланиш реакциясининг интенсивлиги (шиш, гиперимия, тери инфильтрацияси, яра ҳосил бўлиши), яллиғланиш жараёнининг тугаши (атрофик чандиқларнинг шаклланиши), маҳаллий теридаги белгиларни ўрганиш яъни, ҳарорат ва тери бурмаларининг қалинлиги кузатиб борилди.

Маҳаллий теридаги яллиғланиш белгиларнинг оғирлик даражаси И.В. Кутузовнинг нисбий бирликлари (1996) баллар бўйича аниқланди.

0- Реакция йўқ.

1- 0,5- чегараланган қизил доғларнинг юзага чиқиши.

2- Бироз диффуз гиперимия.

3- Аниқ гиперимия ва шис.

4- Кескин қизариш ва сезиларли шис.

5- Геморрагик қобиқ ва катта яраларнинг ҳосил бўлиши.

Тажрибамиздаги гуруҳлар орасидаги ишончилиликни аниқлаш учун статистик усуллардан фойдаланилди.

Натижа ва муҳокамалар. Кузатувимизнинг 1-куни 1-гуруҳдаги (назорат гуруҳи) ҳайвонлар терисида бир-биридан чегараланган қизил доғлар, баъзиларида бироз диффуз гиперимия кузатилди ва ўртача $0,6 \pm 0,1$ баллга тенг бўлди. 3-кунга келиб терида кескин гиперимия, шис, ва геморрагик қобиқлар аниқланиб, ўртача $4,6 \pm 0,2$ баллни ташкил қилди. 5-кунга келиб терида кескин қизариш, шис, катта яралар кузатилди ва ушбу кўрсаткичлар ўртача $4,3 \pm 0,3$ баллни ташкил қилди. 7, 9 ва 11-кунларда юқоридаги ўзгаришлар сақланиб қолди ва хос равишда $4,4 \pm 0,4$ $4 \pm 0,4$ ва $4,0 \pm 0,4$ балларга тенг бўлди. Ушбу гуруҳнинг умумий бали 21,9 ни ташкил қилди (1-жадвал).

2-гуруҳдаги яъни, флаваноидлар йиғиндиси асосидаги суртма дори воситаси суртилган ҳайвонларнинг терисида ҳам биринчи куни бир-биридан чегараланган қизил доғлар ва бироз диффуз гиперимия кузатилиб, ўртача $0,6 \pm 0,1$ балл билан баҳоланди. 3-кунга келиб, аниқ гиперимия, шис, геморрагик қобиқлар ҳосил бўлди ва ўртача $4,2 \pm 0,3$ балл берилди. 5-куни ҳайвонлар терисида кескин қизариш, шис, геморрагик қобиқ пайдо бўлди ва ўртача $4,6 \pm 0,3$ балл билан баҳоланди. Тажрибанинг 7-кунига келиб, кескин қизариш қолди, шис бироз пасайди, геморрагик қобиқ тушди ва ўртача балл $4,0 \pm 0,2$ га тенг бўлди. 9-кунга келиб теридаги қизаришлар ва шислар камайди ва назорат гуруҳининг ушбу кундаги кўрсаткичларига нисбатан ўртача балл $2,9 \pm 0,2$ гача ишончли ($p < 0,05$) камайди. Тажрибанинг 11-кунига келиб ҳайвонлар терисида ажралган кичик қизил доғлар ва қизаришлар кузатилиб, назорат гуруҳининг ушбу кундаги балл кўрсаткичларига нисбатан

ишончли ($p < 0,001$) $1,9 \pm 0,2$ баллгача камайиб, ушбу гуруҳда умумий балл 18,2 га тенг бўлди.

1-жадвал

Флаваноидлар йиғиндиси асосидаги суртма дори воситасини контактли аллергия дерматит чақирилган ҳайвонлар терисидаги ўзгаришларга таъсири.

Гуруҳ-лар ($M \pm m$; $n=6$)	Теридаги жараёнларнинг оғирлик даражаси балларда, кунлар бўйича						Бал-лар йиғин - диси
	1	3	5	7	9	11	
1-гуруҳ	$0,6 \pm 0,1$	$4,6 \pm 0,2$	$4,3 \pm 0,3$	$4,4 \pm 0,4$	$4 \pm 0,4$	$4,0 \pm 0,4$	21,9
2-гуруҳ	$0,6 \pm 0,1$	$4,2 \pm 0,3$	$4,6 \pm 0,3$	$4,0 \pm 0,2$	$2,9 \pm 0,2$ $p < 0,05$	$1,9 \pm 0,2$ $p < 0,01$	18,2

$p <$ - назорат гуруҳига нисбатан

Тажриба давомида аллергия дерматит кечишининг яна бир кўрсаткичи, ҳайвонларнинг тери бурмалари ўлчамлари ўлчаниб борилди (2-жадвал).

1- гуруҳ (назорат гуруҳи) ҳайвонларни тажриба бошлашдан олдинги тери бурмаси ўлчамларининг ўртача кўрсаткичи $0,27 \pm 0,02$ см.га тенг эканлиги аниқланди. Тажрибанинг 1- куни ўзгаришсиз ($0,21 \pm 0,01$ см), 3-кундан 7- кунгача қалинлашиб борди (3-кун $2,36 \pm 0,1$ см; 5-кун $2,9 \pm 0,16$ см; 5-кун $3,0 \pm 0,2$ см). Фақатгина 9-кундан камая бошлади (10-кун $2,3 \pm 0,1$ см; 13-кун $1,6 \pm 0,1$ см).

2- гуруҳ ҳайвонларда тажриба бошлашдан олдинги ўртача кўрсаткичи $0,23 \pm 0,02$ см, тажрибанинг 1-кундан 5-кунгача қалинлашиб борганлигини (1-кун $0,46 \pm 0,02$ см; 3-кун $1,41 \pm 0,03$ см; 5-кун $2,8 \pm 0,1$ см), 7-кундан назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан мос равишда ишончли камайиб борганлиги кузатилди (7-куни $1,9 \pm 0,1$ см; 9-куни $1,3 \pm 0,1$ см; 11-куни $0,97 \pm 0,1$ см).

2-жадвал

Гуруҳ-лар	Тери бурмалари калинлиги, см/тадқиқот кунлари						
	Тажриба бошлаш- дан олдин	1-кун	3-кун	5-кун	7-кун	9-кун	11-кун

1- гурух	0,27±0,0 2	0,43±0,0 1	2,36±0,1	2,9±0,1 6	3,0±0,2	2,3±0,1	1,6±0,1
2- гурух	0,23±0,0 2	0,46±0,0 2	1,41±0,0 3	2,8±0,1	1,9±0,1 *	1,3±0,1 *	0,97±0, 1*

*p<0,001 назорат гуруҳига нисбатан

Кўриниб турибдики, 1- гуруҳдаги (назорат гуруҳи) ҳайвонлар терисиди 1- кунни енгил КАД белгилари кузатилиб, 3-кунга келиб кескин ривожланиб кетди. 5- кунга келиб қисман пасайган бўлсада, аммо ушбу кўрсаткич тажриба охиригача деярли ўзгармади. 2-гуруҳдаги яъни, флавоноидлар йиғиндисидан олинган янги гидрофоб асосли сурма билан даволанган ҳайвонларда тажрибанинг дастлабки кунни енгил аллергия дерматит белгилари кузатилган бўлса, 3- ва 5- кунларига келиб жараён кескин тус олганини, 7- кунни биров пасайганини ва 9- кундан назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли камайиб борганлигини кузатилди. Тери бурмаларини кузатганимизда эса, даволашнинг 1- кунидан бошлаб иккала гуруҳларда тери бурмаларининг 5- кунгача катталашиб борганлигини, 7- кундан бошлаб эса, флавоноидлар йиғиндиси асосидаги суртма дори воситаси қўлланилган ҳайвонларда тери бурмаларининг ўлчамлари назорат гуруҳига нисбатан ишончли камайиб борганлиги кузатилди.

Шундай қилиб, маҳаллий хомашёлар – флавоноидлар йиғиндисидан олинган гидрофоб асосли янги суртма дори воситаси тажрибада чақирилган контактли аллергия дерматитдаги яллиғланиш жараёнига самарадор таъсир қилиши намоён бўлди.

Хулосалар.

1. Маҳаллий хомашёлар – флавоноидлар йиғиндисидан олинган гидрофоб асосли янги суртма дори воситаси контактли аллергия дерматитли ҳайвонлар терисидидаги яллиғланиш белгиларига самарадор таъсир қилди.
2. Флавоноидлар йиғиндисидан олинган гидрофоб асосли янги суртма дори воситаси контактли аллергия дерматит чақирилган ҳайвонлар терисидидаги бурмалар ўлчамларини ишончли камайтирди.

Адабиётлар.

1. Батожаргалова Б.Ц., Мизерницкий Ю.Л., Подольная М.А. Метаанализ распространенности астмоподобных симптомов и бронхиальной астмы в России (по результатам программы ISAAC). Российский вестник перинатологии и педиатрии. -2016. -№4. -С.59-69.
2. Биличенко Т.Н., Чучалин А.Г. Распространенность аллергических заболеваний и их факторов риска среди студентов медицинского вуза. Пульмонология. -2015. №25 (1). –С.68-76.

3. Бондакова М.В. Разработка рецептуры и технологии производства косметических изделий с использованием экстракта винограда. Дисс... канд. тех. наук -Москва. -2014. 171 с.
4. Высочина Г.И., Кукушкина Т.А., Карнаухова Н.А., Селютина И.Ю. Флаванойды дикорастущих и интрадуцированных растений некоторых видов рода *Htdysarum* L. Химия в интересах устойчивого развития. - 2011. №.19. -С. 365-371.
5. Гапоненко В.П., Левашова О.Л. Фитохимическое изучение фенольных соединений багульника. Scientific Journal «ScienceRise» -2015. №11/4(16). -С.114-19.
6. Корожан Н.В. Фармакогностическое обоснование применения нового источника череды травы и комбинированного средства на ее основе. диссертации на соискание ученой степени кандидата фармацевтических наук. -Витебск. -2016. 174 с.
7. Корожан Н.В. Антианафилактическая активность настоев травы видов череды и противоаллергического сбора // Вестник фармации. -2015.-№ 3. -С. 57-61.
8. Савченко Л.Н., Маринина Т.Ф., Саушкина А.С. Разработка состава и технологии стоматологической мази с экстрактом шалфея густым. Известия Самарского научного центра Российской академии наук. -2014. том16. №1(3). -С.817-820.
9. Suyarov A.A., Japarov A.K., Begmanov S.A., Komarin A.S., Nigmatova L.M. Comparative estimation of the amount of flavonoids, chosen from *Bidens tripartitae* and *zirtec* on skin allergic reaction and contents of histamine by experiment //European Conference on Innovations in Technical and Natural Sciences. 12th International scientific conference 02nd October 2016. - Vienna, - Austria. - P. 69-75.
- 10.Suomela J.P., Ahotupa M., Yang B. et al. //J. Agric. Food Chem. -2006.- Vol.54 (19). -P.7364-7369.
- 11.Inoue T., Sugimoto Y. Antiallergic effect of flavonoid glycosides obtained from *Mentha piperita* L. // Biol. Pharm. Bull. - 2002. -Vol. 25(2). -P. 256-259.
- 12.Kawai M, Hirano T. Flavonoids and related compounds as anti-allergic substances. // Allergol Int. – 2007. Vol.56(2). -P. 113-123.

ХУЛОСА

Махаллий хомашёлар - флаванойдлардан олинган гидрофоб асосли янги суртма дори воситасининг тери аллергиясини даволашдаги самарадорлигини баҳолаш.

Суяров А.А., Хатамов Х.М., Мухторов Ш.М., Халилов Р.М., Хажибоев Т.А., Камилов Х.М., Фозилжонова М.Ш., Алимжанова Л.И.

ЎзР ФА Иммунология ва инсон геномикаси институти, ЎзР ФА Ўсимликлар моддалари кимёси институти, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий текшириш институти

Ушбу тадқиқотда маҳаллий хомашёлар – флаваноидлар йиғиндисидан олинган гидрофоб асосли янги суртма дори воситасининг тажрибада 2,4-динитрохлорбензол ёрдамида контактли аллергияк дерматит чақирилган тажриба ҳайвонларда даволаш самарадорлигини ўрганилди. Тадқиқот натижаларида флаваноидлар йиғиндисидан асосидаги суртма дори воситаси қўлланилган ҳайвонларда визуал кузатилганда теридаги яллиғланиш жараёни ва тери бурмаларининг ўлчамлари назорат гуруҳига нисбатан ишончли камайиб, самарадор таъсир қилганлиги аниқланди.

РЕЗЮМЕ

Оценка эффективности мази, выделенной из нового флавоноидного средства местного сырья и гидрофобной основы в лечении кожной аллергии.

Суяров А.А., Хатамов Х.М., Мухтаров Ш.М., Халилов Р.М., Хажибоев Т.А., Камиллов Х.М., Фозилжонова М.Ш., Алимжонова Л.И.

Институт иммунологии и геномики человека АН РУз, Институт химии растительных веществ АН РУз, Ташкентский институт вакцин и сывороток

В данном исследовании изучались результаты эффективности лечения с мазью, выделенной из нового флавоноидного средства из местного сырья и гидрофобной основы в эксперименте на животных с контактным аллергическим дерматитом, вызванным 2,4-динитрохлорбензолом. Результаты исследования показали, что мазевое лекарственное средство на основе суммы флавоноидов эффективно действовало и достоверно уменьшало воспалительный процесс кожи при визуальном наблюдении и размеры кожной складки по сравнению с контрольной группой.

SUMMARY

Estimation of efficiency of the ointment allocated from new flavonoids of means from local raw materials and a waterproof basis in treatment of a skin allergy.

Suyarov A.A., Khatamov H.M., Muhtarov Sh.M., Halilov R. M, Hajiboev T.A. Kamilov H.M., Foziljanova M. Sh., Alimjanova L.I.

Institute of immunology and human genomic AS RUz, Institute of chemistry of plant substanses AS RUz, Tashkent institute of vaccine and serum

In the given research results of efficiency of treatment with the ointment allocated from new flavonoids of means from local of raw materials and a waterproof basis in experiment on animals with contact allergic dermatitis, caused 2,4-dinitrochlorbenzol were studied. Results of research have shown that ointment the drug at the basis of the volume of flavonoids are effectively operated and

authentically reduced inflammatory process of a skin at visual supervision and the sizes of a skin fold in comparison with control group.

УДК : 616-348-066:615.370

МЕТОДИКА ПОЛУЧЕНИЯ ПРЕЦИПИТИРУЮЩИХ СЫВОРОТОК ДЛЯ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ВИДОВОЙ ПРИНАДЛЕЖНОСТИ КРОВИ

ЧОРИЕВ Б.А., БАХРИЕВ И.И., АХМЕДОВ Т.Ж.

Ташкентская медицинская Академия, Ташкент.

Аннотация. Проведена иммунизация кроликов для получения гетероиммунных преципитирующих сывороток. В качестве антигена для иммунизации кроликов использованы: смесь сыворотки крови человека, рогатого скота, птицы, лошади и 10% раствор формалина в соотношении 1:1, в объеме 1 мл/кг веса кролика, обеспечивающий высокий специфический иммунный ответ у 90% животных. Полученные гетероиммунные преципитирующие сыворотки являются строго специфичными и высокочувствительными, обеспечивающие их применение в судебно-медицинской практике.

Ключевые слова: иммунизация, схемы иммунизации, антигены, титр антител, преципитирующие сыворотки.

Аннотация. Гетероиммун преципитацияловчи зардоблар олиш учун куёнлар эмланди. Куёнларни эмлаш мақсадида антиген сифатида: одам қони, шохли ҳайвон, қуш, от қони зардоблари ва уларнинг 10% формалиннинг 1:1 нисбатдаги аралашмаси, қуён вазнига 1 мл/кг миқдорда қўлланилди. 90% ҳайвонлардан юқори титрли ва специфик иммун зардоблар олинди. Олинган гетероиммун преципитацияловчи зардоблар юқори сезгирлик ва спецификликка эга бўлиб, суд тиббиёти амалиётида қўлланилиши мумкин.

Калит сўзлар: иммунизация, иммунизация схемаси, антигенлар, антитаналар титри, преципитацияловчи зардоблар.

Annotation. Immunization of rabbits for receiving of heteroimmune precipitating serum is carried out. A mixture of blood serum of the man, horned cattle, birds, horses and 10 % of formalin solution in ratio 1:1 in volume of 1 ml/kg weight of the rabbit which provides a high specific immune response in 90 % of animals are used as an antigen for immunization of rabbits. Received heteroimmune precipitating serum is strictly specific and high-sensitive, which provides the application in forensic medical practice.

Key words: immunization, schemes of immunization, antigens, antibody titer, precipitating serum.

Введение. Большинство иммунологических методов исследования предусматривают применение иммунных сывороток, получаемых из крови животных, иммунизированных различными антигенами, при этом их активность существенно влияет на результаты исследования. Для получения сывороток необходимо подобрать рациональную схему иммунизации животных. Под этим подразумевают, прежде всего, такие факторы, как физико-химическое состояние антигена, дозы, способы, интервалы и кратность введения антигена, общую продолжительность цикла иммунизации, применение адъювантов и иммуномодуляторов. Общеизвестна зависимость антителообразования от дозы антигена вводимого животному. В малых дозах антиген обычно даёт недостаточное иммунозащитное раздражение, а в слишком больших - вызывает, так называемое, иммунизаторное утомление, приводящее к снижению титров антител. При введении больших доз антигена образуются антитела с низким аффинитетом, и их синтез продолжается в течение длительного периода времени. Уменьшая дозу, можно подобрать такую, которая будет индуцировать образование высокоаффинных антител (1, 2, 5).

Результаты изучения зависимости антителообразования от кратности введения антигена свидетельствуют о совершенно очевидном преимуществе многократной иммунизации перед однократной. Интервалы между инъекциями иммуногена выбираются эмпирическим путем, причём результаты опытов, обычно могут быть использованы, только применительно к данному конкретному препарату (3, 4, 6, 7).

Как отмечают Hurn B.A.L. и Chantler S.M. (1980), результаты изучения зависимости антителообразования от кратности введения антигена свидетельствуют об очевидном преимуществе многократной иммунизации перед однократной схемой. Интервалы между введениями антигена выбирают эмпирическим путем, причём, результаты опытов, обычно могут быть использованы, только применительно к данному конкретному антигену. Прослеживается зависимость между способом введения антигена и уровнем антител в сыворотке крови животных. Основными причинами различия эффективности являются скорость, с которой антиген распространяется от места инъекции и вероятность его прохождения через лимфатические узлы, и другие органы иммунной системы.

По мнению Т.Чарда (1981), одна и та же конечная цель может быть достигнута различными путями, но в любом случае, схема иммунизации, предлагаемая для производства, должна соответствовать определенным требованиям.

Главное требование - возможность получения сывороток с достаточно высоким титром специфических антител за сравнительно короткий промежуток времени при минимальном расходе антигенного и другого материала.

Целью исследований было получение специфических иммунных преципитирующих сывороток высокого титра для установления видовой принадлежности крови при исследовании вещественных доказательств биологического происхождения в судебно-медицинской практике.

Материал и методы исследования. В опытах использованы 48 кроликов обоего пола породы Шиншилла и Великан, массой 3-3,5 кг. Животные содержались в стандартных условиях в соответствии с требованиями методического пособия «Правила и методы работы с лабораторными животными при экспериментальных микробиологических и иммунологических исследованиях». В качестве подстила использовались опилки из хвойных пород деревьев. Комбикорм и сочные корма для животных давались в клетки. Данные о составе и качестве корма хранятся в документации лаборатории. Животным давалась очищенная вода. Животные содержались в контролируемых условиях окружающей среды (20-22°C и относительной влажности воздуха 50-70%). В помещениях для содержания животных поддерживался 12-14 часовой цикл освещения. Температура и влажность воздуха регистрировались ежедневно. Никаких существенных отклонений этих параметров в период акклиматизации и в ходе эксперимента не произошло. Клинический осмотр каждого животного проводили ежедневно. Выполняли тщательный осмотр животного в клетке содержания. Фиксировали общее состояние животных: особенность поведения, интенсивность, характер двигательной активности, наличие и характер судорог; координацию движений, тонус скелетных мышц; частоту, глубину дыхательных движений; состояние волосяного, кожного покрова; количество и консистенцию фекальных масс. В качестве антигена для иммунизации кроликов использованы смесь сыворотки крови человека (1-я группа), рогатого скота (2-я группа), птицы (3-я группа), лошади (4-я группа) и 10% раствор формалина в соотношении 1:1, которая сохранялась в холодильнике при температуре 4-6°C в течении 72 часов. В качестве контроля к каждой группе иммунизация кроликов по 2 штуки (всего 8 шт.) производилась сыворотками соответствующих видов и 0,9% физиологического раствора (5-я группа).

Иммунизация кроликов проводилась по схеме предложенной Л.И.Ломовицкой (1977) в модификации Д.Д.Джалалова и Р.А.Хасанова (1997). Антиген вводится в краевую вену уха кролика троекратно, интервалом 1 день в объеме 1 мл/кг веса кролика. Проба крови у иммунизированных животных берётся на 4-й, 7-й и 9-й день после последней инъекции. При наличии преципитинов в сыворотке кроликов титром 1:5000 и 1:10000 производится забор крови пункцией полости сердца и кровопусканием. После иммунизации, если титр преципитирующих сывороток не достигал рабочего титра, то проводилась реиммунизация через две недели после последней иммунизации, однократным введением антигена.

Отбор крови и получение сыворотки. Забор крови осуществлялся из краевой вены уха кролика (перед процедурой взятия крови ухо обрабатывали спиртом). Кровь ставили в термостат при температуры 37°C на 1 ч. (для отделения сыворотки). После проводили отбор сыворотки путем центрифугирования при 3000 об/мин в течение 10 минут. При необходимости время центрифугирования увеличивали. Сыворотки хранили при -20°C в смеси 3% борной кислоты в соотношении 3 мг/1 мл.

Результаты исследования и обсуждение. Введение смеси сыворотки крови человека, а также животных и 10% раствора формалина в соотношении 1:1 в объеме 1 мл/кг веса кролика приводила к иммунному ответу лишь у 70% иммунизируемых животных после первичной иммунизации, а при введении сыворотки крови птицы процент животных с иммунным ответом достигал 75-78. После реиммунизации положительный результат был достигнут соответственно в 90% и 95%. При этом длительность иммунизации составляла 22 дня, титр полученных иммунных преципитирующих сывороток достигал 1:10000, смертельных случаев у кроликов не наблюдалось.

При такой схеме иммунизации были получены кроличьи гипериммунные сыворотки преципитирующие белок человека, рогатого скота, птицы и лошади с высокой специфической активностью в иммунологических реакциях. При этом иммуностимулирующий эффект при отсутствии токсического воздействия на животное, без возникновения адьювантной болезни, достигался у 90-95% кроликов.

После первого введения антигенов внешний вид животных из опытных групп ничем не отличался от внешнего вида животных из контрольной группы. После второго введения было замечено небольшое снижение аппетита и подвижности животных. После третьего введения антигенов на месте инъекции, у некоторых животных, отмечали появление гиперемии, учащение сердцебиения.

После реиммунизации поведение опытных животных сохранялось таким же вялым по сравнению с контрольными животными, но серьезных изменений в поведении и внешнем виде не наблюдалось.

После забора крови приступают к определению титра и специфичности полученных сывороток. Преципитирующая сыворотка считается годной для судебно-медицинских исследований, если она имеет титр 1:10000, т. е. когда при добавлении ее к гомологичной нормальной сыворотке, разведенной в 10000 раз, осадок выпадает в пределах 10 минут и она не дает осадков нормальными изосыворотками других видов, разведенными в 1000 раз в пределах одного часа.

Таблица 1.

**Титр и время преципитации гетероиммунных преципитирующих
сывороток**

Группы	Титр/время преципитации		Контрольная группа		Специфичность
1-я: антиген человека (10 шт.)	1:100 (10)	+40 сек.	1:100	+3 мин.	Отсутствие осадков к одному часу с разведенными в 1000 раз нормальными сыворотками крови рогатого скота, лошади, птицы
	1:1000 (10)	+1 мин.	1:1000	+6-8 мин.	
	1:5000 (9)	+3 мин.	1:5000	+10-15 мин.	
	1:10000 (7)	+6-8 мин.	1:10000	-	
2-я: антиген рогатого скота (10 шт.)	1:100	+20 сек.	1:100	+2 мин.	Отсутствие осадков к одному часу с разведенными в 1000 раз нормальными сыворотками крови человека, лошади, птицы
	1:1000	+50 сек.	1:1000	+5-6 мин.	
	1:5000 (9)	+2 мин.	1:5000	+15-20 мин.	
	1:10000(8)	+4-6 мин.	1:10000	-	
3-я: антиген птицы (10 шт.)	1:100	+10-12 сек.	1:100	+1 мин.	Отсутствие осадков к одному часу с разведенными в 1000 раз нормальными сыворотками крови человека, рогатого скота, лошади
	1:1000	+40 сек.	1:1000	+4-6 мин.	
	1:5000 (10)	+1 мин.	1:5000	+10-12 мин.	
	1:10000 (9)	+3-5 мин.	1:10000	-	
4-я: антиген лошади (10 шт.)	1:100 ()	+30 сек.	1:100	+2 мин.	Отсутствие осадков к одному часу с разведенными в 1000 раз нормальными сыворотками
	1:1000	55 сек.	1:1000	+4-6 мин.	
	1:5000 (9)	+2 мин.	1:5000	+12-15 мин.	
	1:10000 (8)	+4-6 мин.	1:10000	-	

					крови человека, рогатого скота, птицы
--	--	--	--	--	---

Из таблицы видно, что титр антител в первой группе в 9 случаях соответствовал 1:5000 и в 7 случаях 1:10000. Во второй группе в 9 случаях соответствовал 1:5000 и в 8 случаях 1:10000, в третьей группе в 10 случаях соответствовал 1:5000 и в 9 случаях 1:10000, в четвертой группе в 9 случаях соответствовал 1:5000 и в 8 случаях 1:10000.

Установлено, что все полученные преципитирующие сыворотки были специфичными, т.е. в разведении 1:1000 в течение 1-го часа реакции преципитации, кроме соответствующего вида, с другими антигенами не происходило.

Благодаря применению иммуностимулирующего действия 10% формалина значительно сокращены длительность процесса иммунизации (22 дня) и получение высокоспецифической сыворотки, при этом повышен выход целевого продукта за счет увеличения антителообразования у животных с одновременным уменьшением трудозатрат. Также нужно отметить, что однократной реиммунизацией удалось увеличить процент положительных результатов в 90-95% случаях.

Выводы. Таким образом, по результатам исследования разработаны эффективные схемы иммунизации для получения гетероиммунных сывороток, основанные на оптимальной комбинации белковых антигенов в комплексе с 10% раствором формалина, обеспечивающим высокий иммунный ответ у 90-95% животных, значительное сокращение сроков иммунизации, материальных и трудозатрат.

Полученные гетероиммунные сыворотки являются высокоспецифическими и считаются пригодными для применения в судебно-медицинской практике.

Литература:

1. Алиева Е.В., Тюменцева И.С., Афанасьев Е.Н. и др. Опыт получения иммунных сывороток для производства диагностических препаратов //Курский научно-практический вестник «Человек и его здоровье» - 2008. - №1. - С. 10-13.
2. Младзиевская Ю.А., Решетова Г.Н. Диагностические сыворотки фемидасера – иммунобиологические препараты для комплексного анализа микрообъектов судебно-биологической экспертизы. Медицина экстремальных ситуаций. 2012. - №4. - С. 98-102.
3. Сидиров В.Л., Ягмуров О.Д. Опыт использования иммуноферментного анализа при установлении видовой принадлежности крови на вещественных доказательствах. Ученые записки СПбГМУ им. Акад. И.П. Павлова. 2013. Том XX. №3. – С. 61-62.

4. Чард Т. Радиоиммунологические методы. – М.: Мир, 1981. – 246 с.
5. Hurn B.A.L., Chantler S.M. Production of reagent antibodies //Methods in Enzymology. – 1980. – Vol. 70, N 5. – P. 104-142.
6. Ozherelkov S.V., Kozhevnikova T.N., Narovlyansky A.N., Pronin A.V., Sanin A.V. Polyprenyl phosphate augments biologic activity of vaccines against tickborne encephalitis and rabies in experimental mice. In: Abstracts of The international Human and Animal Viral Vaccination Conference. Edinburgh, UK.– 14-16 July 2003; 9.
7. The gel test: a new way to detect red cell antigen-antibody reactions. Y. Lapiere et al. //Transfusion. 1990. – Vol. 30. – P. 109-113.

УДК: 616-248: 616.379-088.64:612.015-07

ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ ЛЕЧЕНИЯ БРОНХИАЛЬНОЙ АСТМЫ У ДЕТЕЙ С ОЖИРЕНИЕМ

Шамсиев Ф.М., Азизова Н.Д., Махпиева Г.К.

Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр Педиатрии МЗ РУз, город Ташкент, Узбекистан.

Ключевые слова: бронхиальная астма, метаболический синдром, ожирение, дети

Актуальность. В последние годы внимание ученых всего мира все больше привлекает проблема сочетанности патологий, являющаяся одной из самых сложных проблем, с которой сталкиваются врачи. В настоящее время остаётся актуальной проблема терапии метаболического синдрома (МС), в частности ожирения у детей с бронхиальной астмой [1]. Среди подрастающего поколения на протяжении последних 10-15 лет в определённой мере разработаны диетические и физические мероприятия [2]. Однако выше перечисленные подходы у большей части детей и подростков зачастую малоэффективны. Прежде всего, мероприятия, направленные на изменение образа, стереотипов питания и поведения требуют серьёзной модификации менталитета больного, особенно ребенка [3,4].

Проблема медикаментозной коррекции метаболических синдромов у детей при бронхиальной астме (БА) не разработана. Хорошо известно, что прогрессирование избытка веса в детском и подростковом возрасте при сочетанных патологиях сопровождается значительными метаболическими нарушениями, которые могут стать «пусковым» звеном в развитии МС [4,5].

Учитывая имеющиеся данные о роли инсулинорезистентности в механизмах формирования и развития МС, перспектив для фармакотерапии является группа препаратов, улучшающих чувствительность тканей к

инсулину, к которым относятся препараты группы метформина [6]. Метформин и его аналоги (сиофор) широко применяются в терапии взрослых пациентов. Использован в педиатрической практике появились лишь в последние 3-4 года. Однако исследования о применении метформина у детей являются единичными, не учитывают различных форм ожирения, его стадии, длительности проводимого лечения и побочные действия [7,8].

Кроме того, необходимы дальнейшие комплексные исследования, направленные на изучение клинических особенностей, гормонального обеспечения патологических процессов у больных детей бронхиальной астмой на фоне метаболического синдрома.

Таким образом, изучения взаимосвязи бронхиальной астмы и компонентов метаболического синдрома является очень важной для научной и практической медицины, поскольку изучение этого вопроса может способствовать механизмов формирования БА и разработке патогенетически обоснованной терапии. Это особенно актуально по отношению к широко значимым заболеваниям и состояниям, к которым относятся и бронхиальная астма и МС.

Цель работы. Оценить эффективность комплексного лечения бронхиальной астмы у детей с метаболическим синдромом.

Материалы и методы исследования. Критерием отбора детей и подростков в основную группу являлось наличие БА с МС. Отбор в группу сравнения осуществлялся по критерию нормальной массы тела с БА. Обследовано 53 детей БА с МС, средний возраст – $10,44 \pm 0,2$ г. Группа сравнения состояла из 46 детей в возрасте от 6 до 14 лет (в среднем $(10,44 \pm 0,2)$ г) нормальной массой тела. Оценивался углеводный обмен (уровень глюкозы крови натощак, по показаниям тест толерантности к углеводам), липидный обмен (уровень общего холестерина, холестерина липопротеидов высокой плотности, холестерина липопротеидов низкой плотности, триглицеридов, методом иммуноферментного анализа в сыворотке крови).

Критериями исключения были врождённая эндокринная патология, вторичная артериальная гипертензия (АГ), длительная гормональная терапия (более 1 месяца) сахарного диабета первого типа, а также возраст детей до 3 лет. В нашей работе для оценки эффективности применения метформина в комплексном лечении метаболического синдрома у детей и подростков при БА сравнивались антропометрические, инструментальные и метаболические показатели. Обследовано 53 детей БА с МС, средний возраст – $10,44 \pm 0,2$ г. На момент включения в исследование среднее значение индекса массы тела (ИМТ) составило $26,79 \pm 3,94$, ОТ/ОБ – $0,9 \pm 0,01$. Группа сравнения состояла из 46 детей в возрасте от 6 до 14 лет (в среднем $(10,44 \pm 0,2)$ г) нормальной массой тела. Первая группа больных находилась на стандартной терапии (в виде сочетания редуцированной по калориям диеты с адекватными физическими нагрузками), вторая – помимо базисной терапии получала

метформин. Базисная терапия включала: применение противовоспалительной терапии, муколитики, ингаляционные и системные кортикостероиды (Беклазон-эко 100 мкг), специфическая иммунотерапия, ингаляционные симпатомиметики (Салбутамол), метилксантины пероральные (теофил 100 мг, эуфиллин 0,2%), увлажненный кислород, антигистаминные препараты, дыхательная гимнастика, массаж грудной клетки.

В результате проведенного лечения в первой и второй группе через 3-6 месяцев зарегистрировано увеличение средних значений роста, но без достоверных различий ($p>0,05$). Статистически значимых изменений средних значений роста не зарегистрировано и между подгруппами с БА и МС как на фоне стандартного лечения, так и на фоне лечения с метформином.

При изучении показателей ОФВ1 и МОС25% в группе БА и показатели МОС25%, МОС50%, МОС75% в группе с сочетанной патологией достоверно ниже чем соответствующие показатели ФВД пациентов с МС.

У больных в период обострения выявлены умеренно выраженные нарушения ФВД по обструктивному типу, выражающиеся, прежде всего, в снижении показателей ОФВ1, МОС25%, МОС50%, МОС75% и индекса Тиффно. На фоне проводимой терапии положительные сдвиги были зарегистрированы у всех обследованных, однако у больных БА с ожирением чаще, чем в группе с нормальной массой тела, не происходило полной нормализации показателей ФВД, в большей степени ЖЕЛ и ФЖЕЛ ($p>0,05$).

Избыточная масса тела обуславливает изменение механических свойств легких, ограничивая дыхательную экскурсию и, соответственно снижая показатель ЖЕЛ. А воспалительный процесс в дыхательных путях при БА вызывает нарушение проходимости дыхательных путей, выражающееся в снижении скоростных показателей ОФВ1. Выявленные различия между группами свидетельствуют, на наш взгляд, о значительной роли МС в формировании характера клинического течения БА, БА в сочетании с МС оказывает более выраженное негативное влияние на показатели ФВД, нежели отдельно БА.

До начала терапии у 28 пациента (70%) выявлена гипергликемия натощак (у 40 детей определялся ИР). Для диагностики ИР пациентам рассчитывался НОМА-R, определяемый по индексу глюкоза натощак/инсулин натощак. ИР выявлена у 30 детей (75%). Исходно повышенный уровень инсулина натощак определялся у 24 детей (60%), а через 2 часа после нагрузки – у 28 детей (70%).

